

3/2024,
may-
iyun
(№ 00071)



ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШДА НАҚД ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЧЕКЛАШ ҲАМДА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ Тўғрисидаги МАЪЛУМОТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА

Набиев Феруз Нурмуродович

*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ - божхона сиёсати ва
даромадлар прогнози департаменти етакчи мутахассиси*

E-mail: fiferwax92@mail.ru

ORCID: <https://orcid.org/0009-0006-6024-4287>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss3/i25

Аннотация

Мамлакатда яширин иқтисодиёт улушининг динамикаси бевосита нақд пул муомаласи ҳажмига боғлиқ. Бунда, нақд пул муомаласини тартибга солиш ҳамда нақдсиз тўловларни рағбатлантириш мамлакатда яширин иқтисодиёт улушини жиловлаш бўйича долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мақолада яширин иқтисодиёт улушини камайтиришда нақд пул муомаласи ҳажмини қисқартириш, солиқ тўловчиларнинг банк операциялари маълумотларидан фойдаланиш ҳамда тадбиркорлик субъектларида фуқаролардан тўловларни мобил иловалар орқали қабул қилиш имкониятига эга бўлган тизимни жорий этишнинг афзалликлари илғор хорижий тажрибалар асосида келтириб ўтилган. Шунингдек, мавжуд муаммолар таҳлили ва ечими юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: "P2P", меморандум, "POS" терминал, "GovTech Maturity Index", "Doing business", "Transparency International", нақд пул, ОНҚМ, терминал, ЯТТ, штрих код, "QR-код", солиқдан бўйин товлаш, яширин иқтисодиёт.

ОБ ОГРАНИЧЕНИИ НАЛИЧНЫХ РАСЧЕТОВ И ЭФФЕКТИВНОМ ИСПОЛЬЗОВАНИИ БАНКОВСКОЙ ИНФОРМАЦИИ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА ДЛЯ СОКРАЩЕНИЯ ТЕНЕВОЙ ЭКОНОМИКИ

Набиев Феруз Нурмуродович

*Ведущий специалист Департамента налоговой и таможенной политики Министерства
экономики и финансов*

Абстрактный

Динамика доли теневой экономики в стране напрямую зависит от объема наличного обращения. В связи с этим регулирование наличного обращения и стимулирование безналичных расчетов являются одной из актуальных задач по контролю доли теневой экономики в стране. В статье приводятся преимущества сокращения объемов кассовых операций, использования данных банковских операций налогоплательщиков и внедрения системы, позволяющей субъектам предпринимательства принимать платежи от граждан через мобильные приложения в снижении доли скрытой экономики на основе на передовом

зарубежном опыте. Также на основе анализа и решения существующих проблем разработаны предложения.

Ключевые слова: «R2R», меморандум, «POS-терминал», «Индекс зрелости GovTech», «Ведение бизнеса», «Transparency International», наличные деньги, ОНKM, терминал, YTT, штрих-код, «QR-код», вымогательство в связи с уклонением от уплаты налогов, скрытая экономика.

ON LIMITING CASH PAYMENTS AND EFFECTIVE USING TAXPAYER BANKING INFORMATION TO REDUCE THE SHADOW ECONOMY

Nabiev Feruz

Leading specialist of the Department of Tax and Customs Policy of the Ministry of Economy and Finance

Abstract

The dynamics of the share of the hidden economy in the country directly depends on the volume of cash circulation. In this regard, regulation of cash circulation and promotion of non-cash payments is one of the urgent tasks to control the share of the hidden economy in the country. In the article, the benefits of reducing the volume of cash transactions, using the data of taxpayers' bank transactions, and introducing a system that allows business entities to accept payments from citizens through mobile applications in reducing the share of the hidden economy are cited based on advanced foreign experiences. Also, based on the analysis and solution of the existing problems, proposals have been developed.

Key words: "R2R", memorandum, "POS" terminal, "GovTech Maturity Index", "Doing business", "Transparency International", cash, ONKM, terminal, YTT, barcode, "QR-code", tax evasion extortion, hidden economy.

Кириш

Сўнгги йилларда дунё мамлакатлари томонидан яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш орқали тенг рақобат муҳитини яратиш ҳамда бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш ишлари жадаллаштирилмоқда. Мазкур тенденция Ўзбекистон Республикасида ҳам жуда изчил олиб борилмоқда.

Хусусан, ҳукумат томонидан яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш бўйича миллий иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши ("GovTech Maturity Index"да 37 ўринга [1]), солиқ юкининг пасайтирилиши, бизнесдаги бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилиши, коррупция, ("Transparency International"да 31 ўринга кўтарилган [2]) улушининг қисқартирилиши ҳамда шу каби бошқа йўналишларда тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ислохотларга қарамасдан айрим соҳаларда яширин иқтисодий фаолият турлари учрамоқда. Сўнгги кунларда жамоатчиликнинг фаол муҳокамасига сабаб бўлган Солиқ қўмитаси ва Марказий банк ўртасидаги маълумотлар алмашинуви тўғрисидаги **Меморандум, нақд пул муомаласидаги ўрнатилган чекловлар** ҳамда **"P2P"** операциялари бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари бўйича тўхталиб ўтамыз.

Адабиётлар шарҳи

Яширин иқтисодиётни қисқартиришда нақд пул муомаласи ҳажмини камайтиришнинг муҳимлиги бўйича ғарб мамлакатлари олимлари Ражул Авасти ва

Майкл Энгелшелклар илмий тадқиқотлар олиб боришган [3]. Тадқиқотда нақд пул муомаласига чегаравий миқдорларни белгилаш орқали тегишли натижаларга эришган бир қатор хорижий мамлакатлар фаолияти таҳлил қилинган.

Шу билан биргаликда, тадқиқотчи олимлар Ф.Шнайдер ва Андреас Буэн томонидан нақд пул муомаласи ҳажмига чегаравий миқдорларни белгилаш ҳамда бу орқали яширин иқтисодиётни жиловлаш мумкинлиги бўйича таҳлиллари олиб борилган [4].

Бундан ташқари, Мухаммад, Жела, Ж.Лее ҳамда Мативолар иқтисодиётнинг тегишли соҳаларидаги бизнес субъектлари томонидан фуқаролардан тўловларни мобил иловалар орқали қабул қилиш имкониятига эга бўлган "POS terminal" ускуналарини ўрнатиш, солиқ тўловчиларнинг банк маълумотлари алмашинуви асосида яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришнинг афзалликлари тўғрисида ўрганишлар ўтказишган. Жаҳон Банкнинг "Яширин иқтисодиёт ва солиққа тортиш" бўйича 2018 йилги ҳисоботида [5], Европа мамлакатлари ҳамда дунё мамлакатларининг нақд пул муомаласининг давлат томонидан назорат қилиниши натижасида яширин иқтисодиёт улушининг пасайиши келтириб ўтилган.

Шунингдек, МДХ мамлакатларининг бир қатор олимлари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг афзалликлари ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришда самарали восита бўлиши илмий тадқиқотлар ҳамда амалий жараёнлар асосида исботланган. Хусусан, Г.Панова, Валентдиновалар [6] нақд пулсиз ҳисоб-китобларни оммалаштиришнинг замонавий тенденцияларини, А.Анисимова [7] бюджет барқарорлигини таъминлашдаги аҳамиятини, А.Бердышев [8] миллий иқтисодиётнинг тараққиётига ҳамда А.Акопян [9] яширин иқтисодиётни қисқартиришда нақд пулларга чегаралар белгилаш бўйича Европа мамлакатлари тажрибаси мисолида тадқиқотлар олиб борилган.

Таъкидлаш жоизки, нақдсиз ҳисоб-китоблар тизимини оммалаштириш орқали мамлакатда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш мавзусида бир қатор маҳаллий олимлар тадқиқот ўтказганлар. Хусусан, Б.Турдиев яширин иқтисодиётни қисқартиришда инновацион ечим сифатида нақдсиз ҳисоб-китоблар улушини ошириш [10] ни тақлиф этган бўлса, Ф.Базаров рақамли технологияларни жорий этишнинг афзалликларини тадқиқ этган [11]. Шунингдек, У.Абдуғаниев яширин иқтисодиётни қисқартиришда макроиқтисодий сиёсатга эътиборни қаратишни қайд этган [12].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот доирасида Европа мамлакатлари, Осиё йўлбарслари, МДХ ҳамда бир қатор илғор мамлакатлар тажрибалари ўрганилди ҳамда уларнинг яширин иқтисодиётни қисқартиришдаги олиб борган ислохотлари (самарадорлик асосида) таҳлил қилинди. Олиб борилган таҳлилда контент таҳлил, "SWOT" таҳлил, "Паттерн" методи эксперт сўровларидан фойдаланилди. Шунингдек, Жаҳон Банки мутахассислари билан ҳамкорликда фикрлар алмаштирилди, ақлий ҳужумлар амалга оширилди.

Таҳлил ва натижалар

1. Нақд пул муомаласини чеклаш бўйича

Халқаро ҳамжамиятда кўплаб давлатлар томонидан яширин иқтисодиёт ҳажмини қисқартириш нақд пул муомаласи ҳажмини қисқартириш билан ҳамохангликда олиб борилади. Бунда, ҳукумат томонидан юқори ликвидлик қийматга

эга бўлган маҳсулотлар рўйхати шакллантирилади ҳамда нақд пул муомаласининг чекланган миқдорлари белгиланади.

Жаҳон Банкининг 2018 йилги ҳисоботида, Европа мамлакатлари томонидан мазкур амалиёт, 2011 йилдан (Францияда эса 2002 йилдан) бошлаб жорий этилиб, дастлаб яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини олдини олиш мақсадида қабул қилинган бўлса, кейинчалик жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ҳамда пулни ювишга қарши монетар сиёсатнинг бир инструменти сифатида фойдаланилган (жадвал).

1-Жадвал

Европа мамлакатларида нақд пул муомаласи ҳажмига белгиланган чегаравий миқдорлар тўғрисидаги

Т/Р	Давлатлар номи	Нақд пулга чегара (евро)	Чегара белгиланган сана	ЯИМга нисбатан яширин иқтисодиёт улуши
1.	Франция	3 000	2002	14,2
2.	Бельгия	3 000	2014	16,0
3.	Болгария	5 112	2011	33,1
4.	Чехия	12 763	2013	13,5
5.	Дания	1 340	2012	9,7
6.	Греция	1 500	2011	17,3
7.	Венгрия	5 000	2013	25,4
8.	Словакия	5 000	2013	13,1
9.	Италия	999,9	2012	20,3
10.	Португалия	1 000	2012	15,7
11.	Испания	2 500	2012	15,8

Маълумотлар динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, нақд пул муомаласига чекловларни ўрнатган аксарият Европа мамлакатларининг ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан яширин иқтисодиёт улуши паст кўрсаткичларга эга. Тўғри, Болгария, Венгрия ва Италияда яширин иқтисодиёт кўрсаткичи юқориликча сақланиб қолган бўлсада, мазкур кўрсаткич айрим ривожланаётган мамлакатлар кўрсаткичидан 2 баробар пастдир.

2. “P2P” операциялари бўйича

“P2P” бу - жисмоний шахслар томонидан бошқа жисмоний шахснинг банк картасига пул ўтказиш жараёнидир. Бунда, банк ҳамда тўлов операторлари томонидан фуқароларга ҳеч қандай машаққатсиз пул ўтказмаларини амалга ошириш имконияти тақдим этилади.

Халқаро амалиётда тадбиркорлик субъектлари томонидан тўловларни фуқароларнинг банк карталарига қабул қилиш орқали солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, иқтисодиёт соҳасининг айрим тармоқларида 3 поғонали (Онлайн НКМ, банк, тўлов платформалари) интеграциялашган “POS” терминалларни ўрнатишнинг мажбурий тартиби жорий этилган. Мазкур ускуналарни ўрнатиш харажатлари ҳукумат томонидан тегишли тартибда солиқлар бўйича келгуси мажбуриятлар ҳисобига чегирилган.

“POS” терминал - тўловларни банк пластик картаси ҳамда мобил иловалар ёрдамида қабул қилиш имкониятига эга бўлган ускуна ҳисобланиб, жисмоний шахсларнинг мобил иловаларидаги сканер ёки штрих коди орқали тўловларни амалга ошириш ва шу заҳоти кешбекка эга имкониятини беради.

Қозоғистон Республикасида мазкур амалиёт 2016 йилдан жорий этилган бўлиб, унга кўра тадбиркорлик субъектлари фуқаролардан тўловларни мобил иловалар орқали қабул қилиш имкониятига эга бўлган “POS” терминалларни мажбурий ўрнатишни назарда тутди. (Қ.Рнинг 2016 йил 26 июлдаги 11-VI сонли Қонуни ҳамда Солиқ кодексининг 1 моддаси 72-1 пункти ва 165-моддаси).

Хитой Халқ Республикасида мазкур норма 2017 йилдан кучга кирган. Хитой миллий банкининг 2017 йилдаги 242-сонли қарорига асосан “Штрих кодлар ва QR-кодлар орқали тўловларни қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган бўлиб, бунга кўра, банклар ҳамда банк фаолиятини ташкил этмаган тўлов платформаларига жисмоний шахслардан тадбиркорлик субъектларига пул ўтказмаларини амалга оширишнинг талаблари белгиланган.

Шунингдек, ушбу амалиёт **Европа Иттифоқи**га аъзо бир қатор мамлакатларнинг тегишли соҳаларида жорий этилган. Хусусан, **Хорватияда** “POS” терминал ускуналари қуйидаги 3 босқичда тегишли соҳаларда мажбурий тартибда ўрнатилган:

1-босқичда – йирик бизнес ва умумий овқатланиш;

2-босқичда – улгуржи ва чакана савдо;

3-босқичда – барча тадбиркорлик соҳаларида.

Греция, Польша, Швеция, Италия ва Руминияда нақд пул муомаласи юқори бўлган барча соҳаларда, **Бельгияда** меҳмонхоналар ва умумий овқатланиш корхоналарида “POS” терминаллардан фойдаланиш бўйича мажбурий меъёрлар қўлланилган.


Корея Республикасида нақдсиз тўловларни амалга оширишда фуқароларга ҳам тадбиркорлик субъектларига ҳам имтиёзлар тақдим этилган. Бунда, фуқаролар нақдсиз тўловлар орқали амалга оширилган суммаларини йиллик декларация асосида даромад солиғидан чегиришлари мумкин бўлса, тадбиркорлик субъектлари ўрнатилган ускуналари учун солиқ мажбуриятларидан чегириш имкониятига эга.

Нима сабабдан, қайд этилган давлатлар томонидан “POS” терминаллардан мажбурий фойдаланиш тартиби жорий этилган? Ушбу мажбурият тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун бюрократик тўсиқ эмасми? деган саволлар туғилиши табиийдир.

Бугунги кунда, чакана савдо, хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш корхоналари томонидан тўловларни жисмоний шахсларнинг банк карталарига қабул қилиш орқали товарайланмаларини яшириш ҳамда солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари кўзатишмоқда.

Маълумот учун: 2023 йилнинг декабрь ойида Солиқ қўмитаси томонидан чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда умумий овқатланиш корхоналарининг тўловларни тўлов регистрларида (терминал ва НКМ) қайд этмасдан, жисмоний шахсларнинг банк карталарига қабул қилиш ҳолати бўйича 191 та сайёр солиқ текшируви ўтказилган бўлса, барча ҳолатда (ёки 100 фоиз) P2P орқали тўловларни қабул қилиш ҳолатлари ўз тасдиғини топди. Биргина, ЯТТ Эшматов Тошмат томонидан чакана-савдо фаолияти учун 542,5 млн.сўм тўловларни фуқаро

Тошматов Эшматнинг (ўғли) банк картасига қабул қилганлиги натижасида 2023 йилнинг 10 ойлигида бюджетга жами 130,7 млн.сўм (шундан, фойда – 72,6 млн.сўм, ҚҚС – 58,1 млн.сўм) солиқлар ундирилмасдан қолган (чизма).



1-Чизма. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тўловларни фуқароларнинг банк карталарига қабул қилиш схемаси [14]

Ҳозирда, йирик савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқ корхоналари (Корзинка, КФС) тўлов платформалари билан шартнома тузган ҳолда жисмоний шахслардан тўловларни “P2B” (person 2 business) ва маркетплейслар орқали қабул қилиш имкониятини йўлга қўйган. Мазкур имконият, истеъмолчиларга мобил иловалар орқали тўловларни амалга ошириш ҳамда шу заҳоти кешбекка эга бўлишни таъминлайди.

3. Банклар томонидан солиқ органларига маълумотларнинг тақдим этилиши бўйича

Дунё мамлакатларида иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бўйича турли хилдаги механизмлар жорий этилган бўлиб, мазкур салбий ҳолатларга қарши курашишда Марказий Банк, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш ва бошқа масъул идоралар барча куч ва воситаларини сафарбар қилганлар. Бунда, солиқдан бўйин товлаш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида, тижорат банклари солиқ тўловчиларнинг шубҳали операция (транзакция)лари тўғрисидаги маълумотларини солиқ органларига автоматлаштирилган ҳолда ҳамда сўров асосида тақдим этадилар.

Ҳиндистонда, банклар зиммасига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг банк операциялари тўғрисидаги маълумотларни Молиявий разведка агентлигига ҳамда Даромадлар департаментига тақдим этиш вазифаси юклатилган. Мазкур маълумотлар асосида Департаментга қўшимча солиқларни ҳисоблаш ҳамда давлат

бюджетига ундириш ваколоти берилган. (2002 йилдаги Пулларни ювиш тўғрисидаги қонун “PMLA”)[15]

Бундан ташқари, 2016 йилдан бошлаб тижорат банклари томонидан Даромадлар департаментига қуйидаги операциялар бўйича маълумотлар тақдим этилиши йўлга қўйилган:

1. 3 млн рупия (33 000 евро) қийматидан ошган кўчмас мулк объектлари олди-сотдиси тўғрисидаги маълумот;

2. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг тижорат банкларига қўйилган 1 йил даврда умумий қиймати 1 млн рупия (11 000 евро)дан ошган депозитлари;

3. Фуқароларнинг кредит карталари орқали 1 йил даврда умумий 100 000 рупия (1 100 евро) қийматидан ошган нақд пул ҳамда 1 млн рупия (11 000 евро) қийматидан ошган нақдсиз тўловлари маълумотлари;

4. Фуқароларнинг 1 йил даврда 1 млн рупия (11 000 евро) қийматидан ошган валюта айирбошлаш бўйича операциялари.

Шу билан биргаликда, яширин иқтисодиётга қарши курашиш сифатида учинчи томоннинг ҳисобдорлигини ошириш, солиқ тўловчи ҳисоботи ҳамда учинчи томон маълумотларини ўзаро таққослаш орқали қўшимча солиқларни ҳисоблаш амалиёти кенг жорий этилган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг айрим аъзо мамлакатларида Солиқ органлари банк маълумотларига автоматлаштирилган тизим орқали эга бўлса, айрим мамлакатларида фақатгина сўровнома асосида ёки суд орқали олиш имконияти яратилган [16].

Францияда “Даромад тўғрисида”ги Қонунга асосан банклар солиқ тўловчиларнинг банк операциялари маълумотларини Солиқ органларига тақдим этади. Бундан ташқари, солиқ органларига солиқ тўловчиларнинг кредит карталари операцияларини кузатиш ваколоти ҳам берилган.

АҚШда 2011 йилдан бошлаб солиқ қонунчилигига риоя этилишини янада кучайтириш мақсадида, барча даражадаги банклар ҳамда тўлов платформалари (Paypal) томонидан тадбиркорлик субъектларининг тўлов транзакциялари тўғрисидаги маълумотларни Ички даромадлар хизмати (Internal Revenue Service) тақдим этади [17].

Хулоса ва таклифлар

Ўтказилган таҳлиллар илғор хорижий мамлакатлар томонидан яширин иқтисодиётни қисқартиришда комплекс ёндашув асосида ислохотларни амалга оширилганлигини ҳамда натижада яширин иқтисодиёт улушини жиловлаш бўйича етарли самарадорликка эришганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган бир қатор ислохотлар натижасида яширин иқтисодиёт улушини маълум бир даражада жиловлашга эришилган бўлсада, мазкур йўналишда қўшимча амалий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Жумладан:

1. Нақд пул муомаласи ҳажмига чегараларни белгилаш. Бунда,

– фуқаролар томонидан юқори қийматга эга бўлган автомобиль ва уй-жойлар олди-сотдисини фақатгина нақд пулсиз (банк) ҳисоб-китоб орқали амалга ошириш. Мазкур операциялар учун комиссия харажатларини мутлақо бепул қилиш;

– улгуржи савдо фаолити билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан тўловларни тўлиқ нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали амалга ошириш.

2. Чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда умумий овқатланиш соҳаларида нақд пулсиз тўловларни мобил иловалар орқали қабул қилиш имкониятига эга бўлган “POS terminal” ускуналарини ўрнатиш.

– мазкур усуналарни ўрнатиш харажатларини солиқ тўловчиларнинг келгусидаги солиқ мажбуриятларидан чегириш;

– истеъмолчилар (фуқаролар) учун нақд пул муомаласига кэш бекларни бекор қилиб, мобил иловалар орқали тўлов операцияларига 2 фоизлик кэш бек тизимини жорий этиш.

3. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини барвақт олдини олиш мақсадида, Солиқ қўмитаси ва Марказий Банк ўртасида банк операциялари алмашинуви бўйича меморандумни имзолаш. Бунда, маълумотлар алмашинуви жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш, рискларни аниқлашда инсон омилини қисқартириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. World Bank. GovTech Maturity Index Update 2022.
2. Transparency international 2023/<https://www.transparency.org/en>.
3. R. Awasthi, M. Engelschalk. How to Tax system can stimulate and enforce the formalization of Business Activities. Policy research working paper 8391.
4. Schneider F. The Shadow Economy and Shadow Labor Force: Results, Problems and open Questions // Discussion Paper, Department of Economics, University of Linz. 2014. – June. – P. 30
5. World Bank Group/Policy research working paper 8391. “Taxation and the Shadow economy” 2018.
6. Г.Панова, Э.Валетдинова. Ограничение наличного денежного обращения в борьбе с теневой экономикой. МГИМО – 2018.
7. А.Анисимова. Ограничение наличных денежных расчетов как способ увеличения налоговых доходов бюджета: Финансовая аналитика: проблемы и решения. Научно-исследовательский финансовый институт – 2015.
8. А.Бердышев. Зарубежный и Российский опыт сокращения наличных платежей в экономике. Вестник Финансового университета при правительстве Российской Федерации – 2019.
9. А.Акопян. Опыт борьбы с теневой экономикой в Европейских странах. Экономика: проблемы, решения и перспективы – 2018.
10. Б.Турдиев. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар”, “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва унга қарши самарали курашиш йўллари” 51-58 бетлар.
11. Ф.Базаров. “Рақамли иқтисодиёт”, “Яширин иқтисодиётнинг қисқартириш истиқболлари” 71-79 бетлар.
12. У.Абдуғаниев. “Макроиқтисодий сиёсат”, “Яширин иқтисодиётни қисқартиришнинг ташкилий ҳуқуқий асослари” 48-53 бетлар.
13. Жаҳон Банки. Солиқлар ва яширин иқтисодиёт. 2018.
14. Муаллиф томонидан Солиқ қўмитаси маълумоти асосида тайёрланган.
15. Н.Малис. Налоговая политика в противодействии теневой экономике: повышение собираемости налогов // Финансовый журнал. 2014. № 1. С. 81–90.
16. F. Schneider. Size and Development of the Shadow Economy of 31 European Countries // European Journal of Political Economy. – 2015. Pp. 502–504.
17. С.К.Бакулев. Общество без наличных денег. // Инновационное развитие. – 2018. – № 1 (18). – С. 44-45.